O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№25 (678) 2023 йил 31 март, жума
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида 30 март куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифини Кегейли туманидаги “Ақтуба текстиль” корхонасидан бошлади.

Илгари бу туманда саноат умуман йўқ эди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича қилинаётган ишлар, ҳудудлараро ҳамкорлик натижалари бу ерда ҳам сезилмоқда. Хусусан, андижонлик тадбиркорлар билан биргаликда учта лойиҳа ишга туширилди.

Улардан бири – “Ақтуба текстиль” йилига 3 миллион донадан зиёд трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун Германия, Япония ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. 500 та иш ўрни яратилган. Йилига 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Чекка ҳудудларда бундай янги корхоналар очилаётгани, хотин-қизлар иш билан таъминланаётганининг аҳамиятини таъкидлаб, буни давом эттириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Корхонанинг ўзида касб-ҳунарга қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилган. Унда яқин маҳаллалардаги ишсиз фуқаролар ҳунар ўрганиб, ўз йўлини топади.

Кегейли туманида Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Тадбир аввалида 6 та янги корхонани ишга тушириш маросими бўлди. Беруний туманидаги “Беруний буғдой кластер” ҳамда “Райҳон аппарел”, Қораўзак туманидаги “Қорақалпоқ цемент” заводининг 3-босқичи, Қўнғирот туманидаги “ККРаси кемикал”, Нукус шаҳридаги “Азимут ҳотел”, Тўрткўл туманидаги “Хозагро” вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди. Бу корхоналарда жами 1 100 та доимий иш ўрни яратилади, улар орқали ишлаб чиқаришга 300 миллиард сўм, экспортга 20 миллион доллар қўшилади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, ушбу янги корхоналарни ишга туширди.

Бу Қорақалпоғистон Республикасидаги ривожланишнинг изчил давоми аслида. Сўнгги олти йилда ҳудудда 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 минг 300 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган. Тадбиркорлар сони 2 баравар кўпайиб, 46 мингта доимий иш ўрни яратилган. Илгари саноати энг паст бўлган 6 та туманда ишлаб чиқариш 2-3 баравар ошиб, Қорақалпоғистондаги улуши 12 фоизга етган.

Умуман, бу даврда Қорақалпоғистонда саноат 1,3 баравар ўсиб, 61 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Айниқса, кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, текстиль ва тўқимачилик, фармацевтика саноати маҳсулотлари тайёрлаш 2 баравардан зиёд ўсган.

Ўтган йили 31 августда давлатимиз раҳбарининг “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва катта дастур қабул қилинган эди. Бунга асосан 2023 йилнинг ўзида 670 миллиард сўм ва 340 миллион доллар маблағлар ажратилди.

Тадбиркорларга жозибадор бизнес муҳитини яратиш мақсадида фойда, айланмадан солиқ, ер ва мол-мулк солиқлари 2 баравар пасайтирилди, ижтимоий солиқ 1 фоиз қилиб белгиланди. Бу орқали Қорақалпоғистоннинг барча тадбиркорлари ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм қолаяпти.

Фақат ушбу ҳудуд тадбиркорларига тижорат кредитларининг 75 фоизига Тадбиркорлик жамғармаси кафиллиги берилиши белгиланди. Бундай имкониятлар соҳалар ривожига қўшимча туртки берди.

– Биз битта эл ва битта юртмиз! Ҳамма вилоятлар Қорақалпоғистонни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ҳар бир туманга вазирлар, вилоят ҳокимлари, идора ва банклар раҳбарлари бириктирилган. Бунинг натижалари барча туманларда кўринаяпти ва бу ишлар тўхтамайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган учта янги ташаббус билдирди.

Биринчиси, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Бунинг учун алоҳида Қорақалпоғистон маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга жорий йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Иккинчиси, кадастри йўқ 38 минг уй-жой ва кўчмас мулклар бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаб берилади.

Учинчиси, аҳоли талабини инобатга олиб, жорий йилда 4 мингта уй-жой қурилади. Бунга қўшимча, замонавий лойиҳа асосида 4 минг якка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилади.

Йиғилишда иш ўринларини кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистонда 72 минг расмий ишсиз бор. Ҳар йили 43 минг ёшлар меҳнат бозорига кириб келади. Шуларни ҳисобга олиб, 193 минг иш ўрни яратиш ва Қорақалпоғистонни “ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш мақсад қилиб қўйилди. Бу борада йирик корхона ва кластерлар, кончилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва қишлоқ хўжалигидаги имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари мўл ва арзон бўлишини таъминлаш мақсадида 2022 йилда аҳолига 6 минг 600 гектар ер берилган эди, бу йил яна 6 минг гектар ажратилмоқда. Бу орқали сабзи, пиёз, картошка каби кундалик маҳсулотларга эҳтиёж қопланади. Бўстон каналини бетонлаш ҳисобига Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларида 100 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади. Дала четларида 3,6 минг гектарда қовоқ, узум ва сабзавот етиштириб, 42 минг тонна маҳсулот олинади.

Қорақалпоғистонда 51 та мактабда ўқувчилар сони меъёрдан 2 баравар кўп. 208 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхши эмас. 120 километр магистрал ҳамда энг серқатнов 600 километр ички йўлларни таъмирлаш керак. Шу боис 9 та туманда мактабгача таълим муассасалари қуриш, мактаб ва шифохоналарни таъмирлашга, шу жумладан, иссиқлик таъминотига қўшимча маблағ ажратилиши белгиланди.



Суратда: Нукус ёшлар технопарки.
Сурат president.uz сайтидан олинди.

Йўлларни таъмирлаш, электр энергияси тақчиллиги чораларини кўриш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Қорақалпоғистонлик фаоллар бу марраларни бажариш ўзларига боғлиқ экани, ҳамма бирлашиб ишласа, натижалар янада яхши бўлишини таъкидлашди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида миллатлараро тотувликка бағишланган маданий тадбир бўлди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Қарийб юз йиллик тарихга эга ушбу муассаса санъат ривожида, ёшлар тарбияси ва аҳолининг маданий ҳаётида муносиб ўринга эга. Охирги йилларда театр жорий таъмирланиб, асбоб-ускуналар янгиланди. 2017 йилда унга академик театр мақоми берилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ёшуллилар, санъат соҳаси вакиллари билан бирга бадиий дастурни томоша қилди.

Қорақалпоғистонда кўплаб миллат вакиллари аҳил ва тотув яшамоқда. Дастурда шу жиҳат таъсирчан талқинларда ифодаланди. Халқ достонларидан парчалар, “Шағала”, “Дембермес”, “Нигарим” каби куй-қўшиқлар ижро этилди. Алишер Навоий, Бердақ, Махтумқули ва Абай ижодидан намуналар ўқилди. Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов қаламига мансуб “Туғишганлик” шеъри ва “Ўзбекистон” қўшиғида миллатлараро тотувлик, оғзибирчилик, тинчлик қадри тараннум этилди.

Президентимиз шу ерда қорақалпоғистонлик ижодкорлар, маданият соҳаси вакиллари билан мулоқот қилди. Бадиий дастурни юқори баҳолади.

Ўзбек ва қорақалпоқлар икки тилли бир эл. Асрлар давомида бирга яшаб, дўст, қариндош бўлиб, бир халққа айланиб кетган. Улар бугун мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти йўлида ҳамжиҳат. Бу нафақат саҳнада, балки ҳаётимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу қадриятларни улуғловчи асарларни кўпроқ қўйиш, гастролларга чиқиб, ёшларни театрга қайтариш, маданиятини бойитиш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус ёшлар технопаркини бориб кўрди.

Бу мажмуа ёшларнинг иқтидор ва кўникмаларини шакллантириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган. Хусусан, компьютер саводхонлиги, график дизайн, робототехника, 3D моделлаштириш, акселерация каби 9 та йўналишда йилига 1 минг 500 йигит-қиз таҳсил олиши мумкин. Бунинг учун замонавий техника, лаборатория ва устахона ускуналари ўрнатилган.

Ҳозирги кунда ўқув курслари битирувчиларининг ғоялари стартап шаклига келтирилиб, “Бўлажак олим”, “Technoways”, “Start 4 Region” каби танловларга 50 га яқин лойиҳа топширилган. Шунингдек, “Орол денгизининг қурғоқчил ҳудудида уруғчилик плантациясини ташкил этиш” мавзусида умумий қиймати 955 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу денгизнинг қуриган тубидаги ерлардан фойдаланиш, сувни тежаш ҳамда тузни камайтиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу технопарк ёшларнинг интилиш ва ғояларини такомилга етказгунча ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбарига ёш фермер ва олимларнинг қуритилган органик помидор, оқова сувларни тозалаш ва балиқларга озуқабоп ўсимлик лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Яшил технологияларга асосланган бу лойиҳалар Европа давлатларининг сертификатларига сазовор бўлган.

Президентимиз бу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, амалиётга кенгроқ жорий этиш кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Нукус шаҳридаги Алтин жағис маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.

Бу ерда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллалардаги манзилли ишлар Алтин жағисда ҳам ўз натижасини бермоқда. Яқин-яқингача бу манзил транспортлар бориши қийин, коммуникация тармоқлари камчил жой эди. Ўтган йили бу ер “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Йўл, электр энергияси, ичимлик суви ҳамда газ тармоқлари янгиланди.

Маҳалла биноси янгидан қурилиб, унинг атрофида болалар майдончалари, тиббиёт пункти, тадбиркорликка кўмаклашувчи марказ, савдо шохобчаси ташкил этилди. Замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилмоқда. Бундай яхлит мажмуа аҳолига қулайлик яратади.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги ўзгаришларни кўздан кечирди, аҳоли билан суҳбатлашди.

– Маҳаллангиз обод бўлганини, одамлар юзидаги розиликни кўриб хурсандман. Буни ҳамма жойда давом эттирамиз. Қорақалпоғистон маҳаллаларини обод қилиш, сув, йўл, электр таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча ва тиббиёт пунктларини қуриш ва таъмирлаш учун бу йил 1,5 триллион сўм бераяпмиз. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Муаммони маҳалланинг ўзи кўтарсин, ўзига пул берайлик, ўзи назорат қилсин. Шунда сифат ва манфаат бўлади. Одамлар рози бўлади, – деди Президент.

Бу ерда ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратилмоқда. Маҳалланинг ери унумдор эмас. Аҳоли асосан хизмат кўрсатиш орқали даромад олади. Маҳаллада маиший хизмат шохобчалари, тикувчилик корхоналари, новвойхона, мебелсозлик ва техник хизмат кўрсатиш устахоналари бор. Келгусида қуёнчилик ва балиқчиликни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Маҳалла билан танишиш узоқ давом этди. Давлат раҳбари шу ерлик Қуўаншбай Сейтназаров хонадонида ифторлик қилди.

Юртимизни Наврўз шукуҳи ҳали тарк этмаган. Президентимиз маҳалла аҳлининг сумалак сайлида ҳам иштирок этди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## Барча ютуқларимизнинг ҳуқуқий пойдевори



**Зебохон ЮСУПОВА,**
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура бошқармаси бўлим бошлиғи.

**Мамлакатимиз Конституцияси – мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ҳамда аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсади белгилаб қўйилган – бахтимиз қомусидир.**

Дарҳақиқат, сўнгги беш йил ичида қурилиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг “драйвер” йўналишидан бирига айланиб, бу даврда республикада турар жойлар ва ижтимоий-маиший объектлар қурилиши ҳамда муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмаларини янгилашни ҳисобга олган ҳолда, шаҳар, шаҳарчалар ва қишлоқлар (овуллар) аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфаси тубдан ўзгарди. Шу билан бирга, ҳаёт ҳам, халқимизнинг дунёқараши ҳам ўзгармоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз раҳбарининг вилоятларга қилган ташрифлари доирасида шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ аҳоли пунктларининг истиқболли ривожлантириш бўйича бош режалари мавжудлиги ҳолатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президент ва ҳукумат қарорлари билан беш йиллик ва уч йиллик аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари тасдиқланди.

▶ 2-бет

## Қомусимизда оила муҳофазаси, бола ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилди



**Саломат НИЁЗОВА,** ТДЮУ профессори,
юридик фанлари доктори.

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида Конституция алоҳида ўринда туради. Янги Ўзбекистон – янги ислоҳотлар шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида эътироф этилиши, давлат органларининг халқ манфаатларига хизмат қилиши тараққиётимизнинг муҳим мезонидир.**

▶ 2-бет

# Барча ютуқларимизнинг ҳуқуқий пойдевори

◀ 1-бет

Ҳудудларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича эса ўтган 5 йил давомида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг жами 1 313 та шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Шундан, шаҳарлар бош режаси – 35 та, шаҳарчалар бош режаси – 152 та, батафсил режалаштириш лойиҳалари – 39 та, қишлоқ аҳоли пунктлари бош режаси – 1087 тани ташкил қилади. Бунинг учун 2018 – 2022 йилларда шаҳарсозлик ҳужжатларини молиялаштириш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига республика бюджети маблағлари ҳисобидан жами 386,3 млрд сўм маблағ ажратилди.

Мисол учун, шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалар билан таъминлаш бўйича 1991 йилдан 2017 йилга қадар яъни, 26 йилда 158 та шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Сўнгги 5 йил ичида эса 5-6 баравар юқори, яъни, 187 та бош режалар, 1087 та қишлоқлар аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилган қишлоқ, шаҳар ва шаҳарчалардаги маҳаллалар бўйича жами 1944 та бош режа схемалари ҳамда қишлоқ ва маҳаллалар марказининг замонавий қиёфасини яхшилаш учун бош режа схемалари ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантириш бўйича яна бир қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 27 та Президент ҳужжатлари ва 24 та Ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрири тасдиқланди. Қурилиш соҳасининг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси белгилаб олинди. Ушбу ҳужжатлар доирасида қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилди ҳамда бу борада муайян натижаларга эришилди.

Архитектура ва шаҳарсозлик йўналиши бўйича Конституциямизнинг янги таҳририда бир қатор тегишли моддалар белгилаб қўйилган. Уларда соҳани янада тараққий эттириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унинг 32-моддасида фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалари, хусусан, ишлаб чиқилаётган шаҳарсозлик ҳужжатларини жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши келтирилган. Бу ҳам ўз навбатида соҳа самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

# Экологик муносабатларнинг Конституциявий асослари

**Муҳаммади УСМОНОВ, Баҳриддин ҒИЁСОВ,** Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессор-ўқитувчилари.

**Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев инаугурация маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришга эътибор қаратиб, “Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ташкил этиш, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз”, деган ғояни илгари сурган эди.**

Юртбошимиз Конституциямизнинг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригида “ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган давлатлар табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз Конституциясига экологияга оид махсус боблар киритилмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозим”лигини таъкидлаган эди.

Ушбу эътиборнинг асосий сабабини атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш XXI асрга келиб бутун дунё ҳамжамияти олдида турган энг асосий умумбашарий муаммога айланганлиги, ушбу муаммо миллий ва минтақавий чегарадан четга чиқиб, бутун инсониятни ташвишга солаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Дунё миқёсида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши, биохилмахилликнинг қисқариши, сув тақчиллиги, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, озон қатламининг емирилиши, иқлим ўзгариши, одамларнинг оммавий касалланиши, ўртача умр кўриш ёшининг камайиши, инсон организмида модда алмашинувининг бузилиши, юрак-қон, рак касалликларининг кўпайиши каби салбий ҳолатлар экологик хавфсизликни таъминлаш долзарб муаммолардан бирига айланганлигидан далолатдир.

Хўш, бугун умумхалқ муҳокамасига қўйилган янгиланаётган Конституциямиз лойиҳасида экологик муносабатларни ўрнатувчи қандай мазмундаги асосий қоидалар ўз ўрнига эга бўлди?

Аввало, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг преамбуласида дунё конституциялари преамбуласи амалиётида учрамайдиган янги қоида, яъни, “мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтириш, ҳозирги ҳамда келажак авлодлар учун асраб-авайлаш ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб, ушбу Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз” таҳриридаги норма ўрнатилди. Ушбу норма миллатимизнинг она табиатга бўлган эътиборининг ёрқин ифодаси, унга Асосий қонуннинг преамбуласиданоқ конституциявий мақом берилишидир.

Экологик муносабатларни тартибга солувчи конституциявий қоидаларда табиат объектларига нисбатан мулкчилик муносабатларини аниқ ва мукаммал, бугунги кун ижтимоий-иқтисодий туб ислоҳотлар ҳамда бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб белгилашга алоҳида аҳамият берилган. Ҳозирда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса, табиат объектларига нисбатан фақат умуммиллий бойлик таҳриридаги давлат мулкчилиги ўрнатилган.

Бугунги кундаги янги ислоҳотлар босқичида мамлакатимизда атроф табиий муҳит ҳолатининг ёмонлашувига йўл қўймаслик, давлатнинг экологик назорат функциясини кучайтириш, иқтисодиётнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўрсатаётган салбий таъсирини бартараф этиш каби муаммоларни ҳал этишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмини такомиллаштириш, атроф-муҳитни кузатиш, унинг ифлосланиш даражасини прогноз қилиш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири устидан мониторингни ўтказиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этиш каби чора-тадбирлар белгиланди.

Бу каби вазифалардан келиб чиққан ҳолда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 49-моддасида “давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиши, шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши, давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши, давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриши”, таҳриридаги қоидаларнинг мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

# Қомусимизда оила муҳофазаси, бола ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилди

◀ 1-бет

Конституция Асосий қонун сифатида барча қонунчилик соҳаларининг бош манбаи ҳисобланади, чунки унда халқнинг олий иродаси ўзининг қонуний ифодасини топади.

Конституцияда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилади. Давлат ҳокимиятининг тузилиши, унинг субъектлари ва ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланади, жамият, инсон ва фуқаронинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлари мустаҳкамланади.

Масалан, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланиб, ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган муқаддас маскан. Келажак авлод қандай инсон бўлиб вояга етиши оилавий муҳитга бевосита боғлиқ.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Шу боис, янгиланган Конституцияда оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгиланмоқда. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Болаларни тўғри тарбиялашда бирламчи вазифа уларнинг ота-онаси ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига юкланади. Болани тарбиялаш ҳуқуқи дастлаб ва устувор жиҳатдан унинг ота-онасига тегишли ҳуқуқ ва мажбурият саналади.

Шу сабабли Конституцияда болаларга ғамхўрлик қилиш ва тарбиялаш борасида ота-онанинг бирдай ҳуқуқли ва масъул эканлиги ҳам белгиланди. Маълумки, болалар тарбияси ва уларнинг камоли давлат учун устувор йўналиш ҳисобланади. Чунки болалар эртанги кун келажаги, халқнинг, миллатнинг ва давлатнинг таянчидир.

Давлат болаларнинг ривожланиши, уларда маънавий қадриятлар шаклланишига оид зарур чора-тадбирларни кўришини ҳам зиммасига олиши зарур. Қолаверса, бола учун ҳар қандай тарбиядан исталган маскандан кўра оилавий тарбия ва оила маскани, ота-она бағрида камол топиш устувор эканлиги ҳам конституциявий қоида сифатида белгиланмоқда.

Оилаларнинг барқарорлиги, ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳурмат ва ғамхўрликни таъминлаш, давлатнинг етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан масъулиятни ўз зиммасига олиши каби қоидаларнинг конституцияда белгиланиши жамият ривожида муҳим ўрин тутади.




# Янгиланаётган Конституция юртимиз тараққиётининг асосидир

**Исламбек ДАВЛЕТОВ,** Тошкент архитектура-қурилиш университети Қурилишда менежмент кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор.

**Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида “... Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак. Фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истаклар, албатта, инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади. Энг муҳими – ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислоҳотларга дахлдор бўлиши ва “Бу – менинг Конституциям”, деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши керак.” деб таъкидлаганди.**



Шу муносабат билан мазкур сиёсий жараён жамиятнинг барча қатламлари таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш ҳамда қабул қилиш билан бошлангани, шунингдек, мамлакатимизда инсон манфаатлари биринчи ўринга қўйилганидан далолат беради.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига билдирилган таклиф ва мулоҳазалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда бўлаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва ўзгаришларга халқимиз бефарқ эмас, улар бевосита ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Янгиланаётган Конституциявий қонун лойиҳаси унинг 60 дан ортиқ моддаларига 200 дан ортиқ тузатишларни назарда тутган. Ушбу киритилган ўзгартиришлар, қўшимчалар ва янги нормалар ҳисобига Конституция “инсон-жамият-давлат” тамойилига асосланади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, янгиланаётган Конституция матни юзасидан даставвал икки босқичда халқимизнинг фикр ва таклифлари ўрганилди. Шундан сўнг, Конституция лойиҳаси тайёрланди. Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасидаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди ҳамда Конституциямизнинг матни қарийб 65 фоизга янгиланди.

Мухтасар қилиб айтганда, янгиланаётган Асосий қомусимизда ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб долзарб аҳамиятга эга бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Буларнинг ҳаммаси янгиланаётган Конституция лойиҳасида жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олингани, Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамият жипслашгани ва том маънода, унинг халқ Конституцияси бўлаётганидан далолат беради.

# Тарғибот тадбирларида вазирлик ходимлари ҳам фаол қатнашмоқда

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хабарингиз бор, бугунги кунда юртимизда янги таҳрирдаги Конституциявий қонун лойиҳаси барча ҳудудларда қизғин муҳокама қилиниб, ўзгарган моддалар ҳақида аҳолига маълумот берилялти. Бу каби тарғибот тадбирларида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари ҳам фаол иштирок этмоқда.**



“Конституция – менинг тақдиримда” мавзусидаги тадбирлардан бири Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида ҳудуддаги 31 та МФЙ раислари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари иштирокида ташкил этилди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, ҳам масъуллари иштирок этдилар. Йиғилганларга янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасидаги муҳим жиҳатлар бўйича маълумот берилди. Жумладан, унинг 1-моддасидаёқ Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилинаётгани, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортаётгани, шунингдек, ўтган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратиб берилган бўлса, бу йил 90 минг оилани уй-жойли қилиш марраси олингани, яқин 2-3 йилда эса бу рақамни 200 мингга етказиш устида ишланаётгани алоҳида таъкидланди.

Тарғибот тадбири Андижон Иқтисодиёт ва қурилиш институтида ҳам бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар янги таҳрирдаги Конституциянинг юртимизда кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги аҳамиятига алоҳида тўхталдилар. Мутасаддилар талаба-ёшлар билан самимий суҳбат қуриб, уларнинг Конституцияга киритилаётган ўзгаришларга доир фикр ва мулоҳазалари билан қизиқдилар. Тадбир якунида халқимиз тақдири ва эртанги кунини белгилаб берадиган тарихий Қонунни қабул қилишда ёшларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга бағишланган тарғибот тадбирлари Хоразм вилоятида ҳам кенг миқёсда олиб борилмоқда. Хусусан, вилоятнинг Янгибозор тумани Боғолон ва Манғитлар маҳаллаларида жойлашган таълим масканларида бўлиб ўтган тадбирда вазирлик ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан ўқитувчи ва ходимларга янги таҳрирдаги Конституция, ундаги айнан таълим соҳасига оид киритилаётган ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, тадбир давомида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари аҳолининг соҳага оид муаммоларини ҳам қабул қилдилар. Мазкур мурожаатлар тегишли тартибда ўрганилиши ва бартараф этилиши таъкидланди.

“Конституция бизники, барчамизники! Унда бўлаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар эса ватанимиз, жамиятимиз, ҳар биримизнинг ҳаётимизда янги саҳифалар очиши аниқ!”. Сирдарё архитектура ва қурилиш техникумида янги таҳрирдаги Конституцияга бағишланган тарғибот тадбирида шу сингари ишонч билан янграган фикрлар кўп бўлди. “Конституция – менинг тақдиримда” мавзусидаги ушбу тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан умумхалқ муҳокамаси асосида қабул қилиниши кўзда тутилган ва янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек олий мақсад йўлида янгиланаётган Конституциямиз халқнинг таклифлари, истак-хоҳишлари ифодаси экани, унинг аввало, инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, юрт тараққиётидаги ўрни хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбир иштирокчилари халқимиз тақдири ва эртанги кунини белгилаб берадиган тарихий Қонунга бефарқ бўлмасликка ва референдумда фаол иштирок этишга чорланди.

# Ўзбекистонда вайронкор зилзила бўладими?

**Ислом ИБОДУЛЛА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**– Табиатга куч ўтказиб бўладими?**
**Афтидан бу саволнинг жавобини дунёда бўлиб турган табиий офатларни чуқур англаган киши яхшироқ билади.**
**– Йўқ!**
**Шубҳасиз, бу каби табиий жараёнлар ичида зилзила ҳодисаси инсон учун энг хавфлисидир. Ўтган кунларда ўлкамизда кузатилган кучли ер силкинишлари барчани бирдек сергак торттириб, қурилиш соҳасида зилзилабардошлиликни таъминлаш бўйича ҳаракатлар бошланди.**



### НЕГА КЎП ЗИЛЗИЛА БЎЛМОҚДА?

Ўтган 2022 йилда Ўзбекистон ҳудудида кучли зилзила содир бўлди. Бу Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани ҳудудидаги қиру адирларда вужудга келиб, ҳеч қандай мураккаб вазият ҳосил қилмади. Маълумки, ҳар бир ҳудуднинг зилзила содир бўлиб турадиган алоҳида, фаол зоналари мавжуд. Марказий Осиёдаги энг сейсмик жой – Помир ва Тяньшань тоғларининг плиталаридир. Минтақанинг бир қисмида бўлаётган геодинамик жараённинг иккинчи қисми ҳам асосан тоғлар тўқнашган ҳудудда жойлашган. 7 магнитудадан ортиқ зилзилалар айнан ўша зонада содир бўлади. Ҳаттоки, унинг шарқий қисмида 8,2 магнитудадаги Қашқар зилзиласи вужудга келган. Марказий Осиёда ундан кейин бу қадар кучли зилзила бўлмаган. Таъкидлаш керакки, Марказий Осиёда 6 баллдан юқори зилзилалар сони кўп эмас.

Албатта, зилзилани аввалдан прогноз қилиш муаммо ҳисобланади. Ҳали бирорта тараққий этган давлатда ҳам бу борада бирорта чора ўйлаб топилган эмас. Шубҳасиз, зилзила хавфини аввалдан аниқлаш XXI асрнинг мушкулоти этиб белгиланган. Бунда қўлимиздан келадиган икки нарса бор – сифатли қурилиш ва сейсмик хавфни олдиндан айтиб бериш натижасида хулоса қилиш, эҳтимолий воқеаларга тайёр туришдир. Юртимизда бу борада тегишли ташкилотлар томонидан кўплаб ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

### ХАВФДАН ЭРТА ОГОҲ БЎЛИШ МУМКИНМИ?

Андроид қурилмасидан фойдаланувчи ўзбекистонликлар Афғонистонда содир бўлган зилзила ҳақида 21 март куни соат 21:47 атрофида “Google” компанияси томонидан ишлаб чиқилган сейсмик тебранишларни қайд этиш тизими орқали хабарнома олишди. Зилзиладан огоҳлантирувчи мазмундаги мазкур хабарномалар илк марта тарқатилгани учун, аҳоли орасида кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўлди. Айтиш керакки, “Google” компанияси сейсмик тебранишларни аниқлаб, шахсий телефонларга огоҳлантирувчи хабарномалар жўнатиш тизимини 2020 йилдан бутун дунё бўйлаб жаҳон тўри – Интернетда ёйишга киришди.

– Албатта, бу тизим янгилик эмас, – деди Сейсмология институти директори ўринбосари Воҳидхон Исмоилов. – Япония метериологик агентлиги томонидан бу турдаги тажрибалар анча йиллар аввал амалга оширилган. Бундай минтақавий тизим Таиланд, Хитой, Мексика, Италия ва Руминияда фаол қўлланилиб келинади. “Google” компанияси жорий тизимни бутун сайёра бўйлаб ёйишга эришди.

Эрта огоҳлантириш тизимининг фойдали томонлари жуда кўп. Жумладан, дастлабки тебранишлар орқали зилзилани фарқ этган стационар ускуналар маълумотларни бутун андроид қурилмаларига тарқатади. Бу зилзилани прогноз қилиш тизими эмас, балки зилзиланинг тебранишларини аниқлаб, шу орқали ахборот берадиган системадир. Хитой тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, зилзилани эрта аниқлаш тизими жорий қилинганда илк уч сонияда шикастланганлар сони 14 фоизга, 10 сония ичида жароҳатланиш ва қурбонлар сони 39 фоизга, 20 сонияда эса ушбу ҳолатлар 64 фоизга камаяди.

### ЕР СИЛКИНИШИГА ҚАРШИ ЭНГ ЯХШИ “ҚУРОЛ” ҚАЙСИ?

Маълумки, Ўзбекистон сейсмик фаол ҳудудда жойлашган бўлиб, ўлкамиз Ўрта ер денгизи сейсмик зонасига тўғри келади. Бу Гибралтар бўғозидан бошлаб, Тинч океанигача бўлган улкан ҳудудларни ўз ичига олган камар ҳисобланади. Камарда бир қанча давлатлар жойлашган. Сейсмология институти республикадаги 40 дан ортиқ шаҳарга сейсмик микропланлаштириш харитасини тузиб берган. Ҳудудни умумий сейсмик планлаштириш харитаси бор. Тошкентнинг 70 фоиз жойи соз тупроқ билан қопланган, қалинлиги ҳар хил. Шунинг ҳисобига Тошкентга зилзила кучи бир балл қўшиб берилади. Масалан, 7 баллик бўлса, 8 балл билан сезилади. Умуман олганда, Тошкентнинг 70-80 фоизи 9 баллик зонага киради. Сергели тумани қумли жойлардир. У ер 8 баллик ҳудуд ҳисобланади.

– Бинони мустаҳкам қуриш керак, – деди Воҳидхон Исмоилов. – 2011 йилда Японияда содир бўлган зизлила Туркиядагидан кучлироқ эди. Аммо Японияда бирорта одам нобуд бўлмади. Чунки бинолар ҳақиқий зилзиланинг кучини ҳисобга олиб, қурилиш меъёрларига амал қилиб қурилган. Лекин Туркияда, афсуски, гап зилзилада эмас, қурилиш сифатида. У ерда яхши сейсмологлар бор. Улар зилзила кучини тўғри белгилаган. Лекин қурувчилар биноларни шунга мослаб қурмаган. Шу боис, худди баланд бинонинг тагини қилич билан кесгандай тўкилиб тушяпти. Айб қурувчиларда.

### ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР БИНО МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ?

Ҳар қандай табиий офатнинг вайронкор хусусиятлари бор. Буларнинг ичида сейсмик тебраниш – зилзилаларнинг ўрни алоҳида. Ер силкинишлари ўзининг шиддати, ҳалокатлилиги билан энг хавфли офатлардан ҳисобланади. Ундан сақланишнинг ягона йўли сифатли бинолар қуриш, қурилиш жараёнини назоратга олиш ва қурилиш материалларидан адолатли фойдаланишдир.

– Тарихан ўтган даврларда мамлакатимиз ҳудудида кучли ва ҳалокатли ер силкинишлари содир бўлмаган, – деди “ToshuyjoyLITI” АЖ бўлим бошлиғи Шамил Ҳакимов. – Бизнинг илмий текшириш институтимиз 1996 йилдан буён кузатилган барча ер силкинишларини таҳлил қилган. Бунда биноларнинг вайрон бўлиш сабабини 100 фоиз деб оладиган бўлсак, шундан, 10-15 фоизи сейсмологларнинг хатосига тўғри келади. Ҳалокатларнинг 10-15 фоизи лойиҳаларнинг хатолари туфайли содир бўлади. Бунда лойиҳачи меъёрга амал қилмаган ёки унинг қоидаларини тўғри талқин этмаган бўлиши мумкин. Вайронагарчиликнинг 10-15 фоизи эса эксплуатация, яъни, фойдаланиш сифатига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги кунда кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватини дўконларга айлантириш ҳолатлари кўпайган. Ушбу дўконларнинг қурилишида кўп қаватли уйнинг устун ва деворлари бузилмоқда. Оқибатда бинонинг ишончлилик даражаси камаяди. Шу сабабли, қурилиш доим давлат назоратида бўлиши керак. Иншоотларнинг зилзилабардошлилик даражасининг 50-55 фоизи қурилиш ва қурилиш материаллари каби омилларга бориб тақалади. Айтиш керакки, бизда кучли зилзила бўлса ҳам, вайронкор натижалар билан тугамайди. Ҳозирги даврда мавжуд қурилиш жараёнларини тўғри назорат қилишга қаратилган тадбирлар ҳам бу каби ҳолатларнинг олдини олишда қўл келади.

# Сифатли қурилиш доимий назоратни талаб қилади

**Сарвар БОБОНАЗАРОВ,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.

**Сўнгги йилларда юртимизда қурилиш ишлари кўлами кенгайиб, замонавий бинолар кўплаб барпо этилмоқда. Турар жойлар, ижтимоий, маданий бинолар қурилишида энг аввало, қурилиш материалининг сифатига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бироқ айрим тадбиркорлар томонидан сифатсиз қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.**



Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан вилоятдаги қурилиш жараёнлари билан бир қаторда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти ҳам назорат қилиб борилади. Яқинда инспекция ходимлари томонидан олиб борилган ана шундай назорат тадбирлари давомида “Shoxrux Betonoexpert” ХК томонидан ишлаб чиқарилган темир-бетон плиталар талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Аниқроғи, 17 дона плиталар ишлаб чиқариш жараёнида сифатсиз тайёрланган. Микро ёрилиш ҳолатлари мавжуд. Плиталарни объектга етказиб бериш бўйича олди-сотди шартнома мавжуд эмас. Энг ачинарлиси, ўрганишлар давомида объектларда фойдаланиш учун етказиб берилаётган мазкур темир-бетон плиталарни ишлаб чиқариш ва етказиб беришга рухсат берувчи сертификатлар мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Ўрганишлар давомида Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан “Shoxrux Betonoexpert” ХК масъулларига ушбу ҳаракатлари қонунга хилоф эканлиги ҳамда сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмларини чиқариш мумкин эмаслиги тушунтирилди.

Янги қурилишлар амалга оширилаётгани ҳудудлар қиёфасини ўзгартириб, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш ва қулай турмуш шароитларини яратишга сабаб бўлади. Аммо қурилиш ишлари белгиланган талаб ва меъёрлар асосида бажарилсагина. Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Самарқанд шаҳрида барпо этилаётган турар жой биноларида қурилиш меъёрларига риоя этилиш ҳолати доимий назоратда.

Назорат тадбирларида фуқаро Файзулло Аҳроров томонидан Самарқанд шаҳридаги Оқсарой маҳалласининг Дахбет кўчаси, 1-йўлак, 14-уй манзилидаги турар жой биноси қурилиши ўрганилди. Самарқанд шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими томонидан 2021 йил 21 октябрда 5 қаватли турар жой биноси қурилишига шаҳарсозлик ҳужжатларини шакллантириш учун рухсатнома берилган. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг 2022 йил 24 январь куни 4-сонли баённомасида 5 қаватли турар жой биноси жойлашуви келишилган. Архитектура режалаштириш топшириғи тайёрланган. Лойиҳа ҳужжатларига экспертиза ижобий хулосаси олинмаган. Объектнинг тасдиқланган лойиҳасида 5 қаватли турар жой биноси қурилиши кўрсатилган. Бироқ фуқаро ўзбошимчалик билан 6-қаватнинг қуриш ишларини бошлаб юборган.

Шунингдек, ҳудудий инспекция ходимлари томонидан фуқаро Фарҳод Саидов томонидан Самарқанд шаҳридаги Ғиёсиддин Жамшид 1-берк кўчаси, 26-уй манзилида қурилаётган турар жой биноси ўрганилганда, бир қатор камчиликлар маълум бўлди. Самарқанд шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими томонидан 2022 йил 9 февралда 5 қаватли турар жой биноси қурилишига шаҳарсозлик ҳужжатларини шакллантириш учун рухсатнома берилган. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органини 2022 йил 30 апрелдаги 42993-сонли хулосасида 5 қаватли турар жой биноси жойлашуви келишилган. Архитектура режалаштириш топшириғи тайёрланган. Лойиҳа ҳужжатлари “Самарқанд миноралари” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган. “Триумф проект” МЧЖ томонидан лойиҳа ҳужжатларига экспертиза ижобий хулосаси берилган. Бу объектнинг ҳам тасдиқланган лойиҳасида 5 қаватли турар жой биноси қурилиши кўрсатилган. Бироқ фуқаро ўзбошимчалик билан 6-қаватни бошлаб юборган.

Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан қурилаётган қўшимча 6-қаватни бузиб, камчиликларни бартараф қилиши инспекция ходимлари томонидан назоратга олинди ва тегишлича ёзма кўрсатмалар берилди. Объектларда қурилиш-монтаж ишлари вақтинчалик тўхтатилди.

# Бухоро вилоятида рейд тадбирлари ўтказилди

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари, қатор лойиҳа-қидирув ташкилотлари иштирокида ҳудудлар бўйлаб ўтказилаётган рейд тадбирлари Бухоро вилоятида давом этди.**



Тадбир Бухоро шаҳар Шарқ-2 мавзеси “Шайхулолам” МФЙ ҳудудида қурилаётган 6 қаватли турар жой биносидан бошланди. Ушбу объект пудратчиси “Astra Elite Stroy” МЧЖ лойиҳачиси “S-S-B” МЧЖ. Объектда Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан шу кунга қадар 12 марта мониторинг ишлари амалга оширилган бўлиб, бажарилиши мажбурий бўлган 40 та ёзма кўрсатма берилган ҳамда барчасининг ижроси таъминланган.



Бухоро шаҳридаги Навоий шоҳкўчаси, 11-уйда истиқомат қилувчи фуқаро уйининг ертўла қисмини ҳеч қандай рухсат берувчи ҳужжатларсиз ўзлаштириб, лойиҳадан чиққан ҳолда қайта қуриш ишларини бошлаган. Бухоро вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси 3-қисмига асосан баённома расмийлаштирилгани рейд давомида аниқланди. Ҳозирда инспекция ходимлари назорати остида қайта тиклаш ҳамда кучлантириш ишлари олиб борилмоқда.



Мутахассислар иштирокидаги рейд давомида Бухоро шаҳрининг Пиридастгир кўчаси, 14-уйда истиқомат қилувчи фуқароларнинг нотурар жой мулкдори томонидан қоидабузарликларга йўл қўйилаётгани бўйича мурожаатлари ўрганилди. Унга кўра, ҳақиқатан ҳам, нотурар жойнинг ички ёрдамчи девор қисмларида лойиҳа ҳужжатларисиз қайта қуриш ишлари бошлагани аниқланди. Тадбиркорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси 3-қисмига асосан баённома расмийлаштирилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида маъмурий жазо қўлланилди. Шунингдек, ноқонуний қайта қурилишлар ушбу кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи аҳоли ҳаётига хавф туғдириши мумкинлиги бўйича тушунча берилди.

Бундан ташқари, назорат тадбирлари давомида Бухоро шаҳрининг Алпомиш кўчасидаги “Хадича Имкон Мега строй” МЧЖ томонидан 2 та 5 қаватли турар жой биносининг қурилиш-монтаж ишлари белгиланган шаҳарсозлик норма ва қоидаларига зид равишда олиб борилаётгани аниқланди.

– Мазкур объектда фақатгина эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи олди-сотди шартномаси мавжуд бўлиб, архитектура режалаштириш топшириғи, лойиҳа-смета ҳужжатлари, экспертиза хулосаси олинмаган ҳамда тегишли тартибда ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан қурилиш ишлари бошланган, – деди Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси Беҳзод Муслимов. – Бу ҳолат юзасидан 2022 йилда хабар топганмиз ва тегишли тартибда огоҳлантириш хатлари, ташкилот раҳбарига қурилиш ишларини тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатма ҳам берилган. Шунга қарамасдан, қурилиш ишлари тўхтатилмаган. Шаҳарсозлик кодексининг 22-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 467-сонли қарорига асосан инспекция томонидан Бухоро шаҳар ҳокимлигига икки маротаба ўз ваколат доирасида чора кўриши мақсадида хатлар киритилган. Шунча чораларга қарамай, қурилиш ташкилоти раҳбари томонидан қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораси кўрилмаган. Шу боис, инспекция томонидан жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судига материаллар тайёрланиб, юборилган ҳамда суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган. 2023 йил 31 январда жамият раҳбарига такрорий равишда қурилиш ишларини тўхтатиш, тегишли тартибда ноқонуний қурилмаларни бартараф қилиш, биноларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда тегишли қонун чораларини кўриш бўйича огоҳлантириш хати берилган. Аммо натижаси бўлмаган. Шу муносабат билан, бугунги кунда инспекция томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси 8-қисми билан ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Рейд тадбирлари давом этади.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намеревается направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-52 | Улучшение электроснабжения в МСГ "Бахмал" Бахмальского района Джизакской области | 3 764 504 746 сум без НДС | 120 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-53 | Ремонт пешеходного тротуара в МСГ "Сангзор" Бахмальского района Джизакской области | 1 254 557 821 сум без НДС | 90 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-54 | Улучшение электроснабжения в МСГ "Сангзор" Бахмальского района Джизакской области | 2 831 567 838 сум без НДС | 120 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-55 | Улучшение электроснабжения и уличного освещения в МСГ "Ойкор" Бахмальского района Джизакской области | 3 555 097 020 сум без НДС | 120 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-56 | Водоснабжение в МСГ "Маданият" Бахмальского района Джизакской области | 2 678 569 447 сум без НДС | 60 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-57 | Водоснабжение в МСГ "Темиркамар" Бахмальского района Джизакской области | 3 764 504 746 сум без НДС | 60 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-58 | Щебневание внутренних дорог в МСГ "Пшагар" Зааминского района Джизакской области | 2 038 841 925 сум без НДС | 90 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-59 | Щебневание внутренних дорог в МСГ "Галлакор" Зааминского района Джизакской области | 2 747 200 139 сум без НДС | 90 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-60 | Щебневание внутренних дорог в МСГ "Нурликент" Зааминского района Джизакской области | 884 449 845 сум без НДС | 60 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-61 | Щебневание внутренних дорог в МСГ "Юксалиш" Зааминского района Джизакской области | 1 620 256 160 сум без НДС | 60 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-62 | Реконструкция средней школы №23 в МСГ "Дуоба" Зааминского района Джизакской области | 4 769 183 189 сум без НДС | 180 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-63 | Реконструкция средней школы №21 в МСГ "Туркман" Зааминского района Джизакской области | 4 999 970 894 сум без НДС | 180 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-64 | Улучшение электроснабжения в МСГ "Гулшан" Зааминского района Джизакской области | 1 222 024 661 сум без НДС | 60 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-65 | Улучшение электроснабжения в МСГ "Бешкуби" Зааминского района Джизакской области | 1 420 173 882 сум без НДС | 60 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-66 | Реконструкция сельского врачебного пункта Зарбдор в МСГ "Нурликент" Зааминского района Джизакской области | 1 286 066 338 сум без НДС | 90 календарных дней |
| MOEI-RIDP-DJI-W-67 | Реконструкция сельского врачебного пункта Аччи в МСГ "Юксалиш" Зааминского района Джизакской области | 1 251 939 754 сум без НДС | 90 календарных дней |

## ГУП "Служба единого заказчика" при Джизакском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проходить в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

**По объектам электроснабжения участники тендера должны иметь лицензию на строительство и эксплуатацию объектов повышенного риска и потенциально опасных производств для проведения высоковольтных работ.**

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Джизакской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 300 000 сум.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области**<br>**Адрес**: Ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж)<br>**Тел.:** 72-771-64-32.<br>**Факс:** 72-771-64-31.<br>**e-mail:** jiztender@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001<br>Джизакский ф-л АКБ "Ипотека-банк"<br>**ИНН:** 202 411 803<br>**МФО:** 00122 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:

| Номер контракта | Наименование объекта | Залоговое обеспечение |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-52 | Улучшение электроснабжения в МСГ "Бахмал" Бахмальского района Джизакской области | 75 290 095 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-53 | Ремонт пешеходного тротуара в МСГ "Сангзор" Бахмальского района Джизакской области | 25 091 156 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-54 | Улучшение электроснабжения в МСГ "Сангзор" Бахмальского района Джизакской области | 56 631 357 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-55 | Улучшение электроснабжения и уличного освещения в МСГ "Ойкор" Бахмальского района Джизакской области | 71 101 940 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-56 | Водоснабжение в МСГ "Маданият" Бахмальского района Джизакской области | 53 571 389 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-57 | Водоснабжение в МСГ "Темиркамар" Бахмальского района Джизакской области | 50 872 261 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-58 | Щебневание внутренних дорог в МСГ "Пшагар" Зааминского района Джизакской области | 40 776 839 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-59 | Щебневание внутренних дорог в МСГ "Галлакор" Зааминского района Джизакской области | 54 944 003 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-60 | Щебневание внутренних дорог в МСГ "Нурликент" Зааминского района Джизакской области | 17 688 997 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-61 | Щебневание внутренних дорог в МСГ "Юксалиш" Зааминского района Джизакской области | 32 405 123 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-62 | Реконструкция средней школы №23 в МСГ "Дуоба" Зааминского района Джизакской области | 95 383 664 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-63 | Реконструкция средней школы №21 в МСГ "Туркман" Зааминского района Джизакской области | 99 999 418 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-64 | Улучшение электроснабжения в МСГ "Гулшан" Зааминского района Джизакской области | 24 440 493 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-65 | Улучшение электроснабжения в МСГ "Бешкуби" Зааминского района Джизакской области | 28 403 478 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-66 | Реконструкция сельского врачебного пункта Зарбдор в МСГ "Нурликент" Зааминского района Джизакской области | 25 721 327 сум |
| MOEI-RIDP-DJI-W-67 | Реконструкция сельского врачебного пункта Аччи в МСГ "Юксалиш" Зааминского района Джизакской области | 25 038 795 сум |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 21 апреля 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**

Консалтинговый центр по организации Тендерных торгов в строительстве.

**Адрес:** ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).

**Тел.:** 72-771-64-32.

**Факс:** 72-771-64-31.

**E-mail:** jiztender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** Шухрат Уралов.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило кредит от Всемирного банка (Банк) на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на выполнение проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта под ключ по следующим объектам:**

| № | Наименование объекта | Номер контракта | Стартовая стоимость работ (сум без НДС) | Срок выполнения работ (календарных дней) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Строительство сети питьевого водоснабжения на территории МСГ "Дустлик" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-21 | 95 742 500 | 70 |
| 2. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Кургонча" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-22 | 84 870 000 | 70 |
| 3. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Саноат» Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-23 | 90 330 000 | 70 |
| 4. | Капитальный ремонт школы №29 на территории МСГ "Тошкурган" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-24 | 313 750 000 | 80 |
| 5. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Чорбог" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-25 | 71 430 000 | 70 |
| 6. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Гулдиёр" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-26 | 67 650 000 | 70 |
| 7. | Строительство сети питьевого водоснабжения на территории МСГ "Сойбуйи" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-27 | 155 750 000 | 70 |
| 8. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Кайир" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-28 | 84 870 000 | 70 |
| 9. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Ахиллик" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-29 | 251 212 500 | 70 |
| 10. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Бодроко-бод" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-30 | 208 275 000 | 70 |
| 11. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Алмазор" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-31 | 122 400 000 | 60 |
| 12. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Гулзор" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-32 | 98 355 000 | 60 |
| 13. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Хайраобод" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-33 | 362 850 000 | 90 |
| 14. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Обод" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-34 | 280 410 000 | 70 |
| 15. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Шувокзор-Бойкечик" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-35 | 517 425 000 | 90 |
| 16. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Тошйули" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-36 | 122 400 000 | 60 |
| 17. | Улучшение электроснабжение на территории МСГ "Узумзор" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-37 | 79 914 000 | 70 |
| 18. | Ремонт и строительство новых мостов (водопропускные сооружения) в районе МСГ "Янги хаёт" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-38 | 84 620 000 | 90 |
| 19. | Улучшение электроснабжение на территории МСГ "Кургонча" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-39 | 106 374 000 | 70 |
| 20. | Ремонт и строительство мостов (водопропускные сооружения) на территории МСГ "Рохат" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-40 | 147 890 000 | 90 |
| 21. | Улучшение электроснабжение на территории МСГ "Дустлик" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-41 | 157 740 000 | 80 |
| 22. | Улучшение электроснабжение на территории МСГ "Шуркакир" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-42 | 143 670 000 | 80 |
| 23. | Улучшение электроснабжение на территории МСГ "Ойбек" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-43 | 209 400 000 | 80 |
| 24. | Реконструкция школы №4 на территории МСГ "Найман" Мархаматского района (строительство нового учебного корпуса на 300 у/м) | MOEI-RIDP-AND-CS-44 | 242 350 000 | 80 |
| 25. | Улучшение электроснабжение на территории МСГ "Корабагиш" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-45 | 49 170 000 | 70 |
| 26. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Сойбуйи" Булакбашинского района | MOEI-RIDP-AND-CS-46 | 101 250 000 | 70 |
| 27. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Ёрбоши" Булакбашинского района | MOEI-RIDP-AND-CS-47 | 129 810 000 | 80 |
| 28. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Куприкбоши" Булокбашинского района | MOEI-RIDP-AND-CS-48 | 122 670 000 | 80 |
| 29. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Раиш" Булакбашинского района | MOEI-RIDP-AND-CS-49 | 145 560 000 | 90 |
| 30. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Истиклол" Булакбашинского района | MOEI-RIDP-AND-CS-50 | 110 070 000 | 80 |
| 31. | Асфальтирование внутренней дороги V категории в МСГ "Узбекистон" Улугнарском районе | MOEI-RIDP-AND-CS-51 | 218 923 500 | 70 |
| 32. | Асфальтирование внутренней дороги V категории в МСГ "Гулистон" Улугнарском районе | MOEI-RIDP-AND-CS-52 | 366 285 000 | 90 |
| 33. | Строительство сети питьевого водоснабжения в МСГ "Обод", МСГ "Хайраобод" и МСГ "Шувокзор-Бойкечик" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-53 | 35 828 500 | 70 |
| 34. | Асфальтирование внутренней дороги V категории в МСГ "Кургонча", МСГ "Дустлик", МСГ "Кайир", МСГ "Саноат", МСГ "Чорбог" и МСГ "Ташкурган" Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-54 | 152 628 000 | 60 |
| 35. | Асфальтирование внутренней дороги V категории в МСГ "Шуркакир", МСГ "Узумзор", МСГ "Рохат" и МСГ "Янги хаёт" Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-55 | 194 535 000 | 70 |
| 36. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ "Раиш", МСГ "Ёрбоши", МСГ "Истиклол" и МСГ "Куприкбоши" Булакбашинского района | MOEI-RIDP-AND-CS-56 | 434 985 000 | 90 |
| 37. | Строительство сети питьевого водоснабжения в МСГ "Гулистон" Улугнарском районе | MOEI-RIDP-AND-CS-57 | 42 067 500 | 70 |

## Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при Андижанском областном хокимията (далее именуемый "Заказчик")

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательных работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 300 000 сум.

**Технические и финансовые предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по следующему адресу:** г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106) не позднее 16.00, 15 апреля 2023 года.

**Подача предложений:**

a) Заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации

b) **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

c) **Крайний срок подачи заявок** – 15.04.2023 года, 16.00.

d) **Адрес для подачи заявок:**

**Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по следующему адресу:** г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1 этаж, кабинет 106).

**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Топволдиев.

**Адрес электронной почты:** andijon.tender@mail.ru

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается Участнику торгов нераспечатанным.



# “Ё, Рамазон” — Моҳи Рамазон зийнати

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Светофорда тўхтаб турган автоуловимизга уч-тўрт нафар болакай яқинлашиб, тўсатдан жўр овозда куйлашга киришди:**
***Рамазон айтиб келдик эшигингизга,***
***Қўчқордек ўғил берсин бешигингизга...***

Ҳайратланишни ҳам кулишниям билмай қолдим, рости. Тўғри, аввалги йиллари ҳам бу каби замонавий рамазончилар ҳақида эшитгандим. Аммо ўзим гувоҳи бўлмаганим учун унчалик эътибор бермаган эканман.

Светофорнинг “йўлингиз очиқ” ишораси ёнгани сабабли болаларнинг қувонч билан куйлаётган “ё, Рамазон”ини охиригача эшитишга имкон бўлмади. Йўлда давом этарканмиз, ўйга толдим, “ё, Рамазон” қўшиғини куйлаш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди, у аждодлардан мерос бўлиб келаётган қадимий анъаналаримизнинг давоми сифатида ҳар биримиз учун қадрлидир. Қолаверса, азалдан муборак Рамазон ойининг учинчи кунида эшигини тақиллатиб, бу қўшиқни куйлаб келган болаларга ширинликми ёки мевами бериш гўзал одатга айланган. Бу орқали одамлар орасида аҳиллик, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш, урф-одатларимизни асраб қолишдек эзгу фазилатлар янада ривожланади.

Айни кунларда юртимизда моҳи Рамазон меҳмон бўлиб турибди. Бу ойда барча инсонлар бир-бирига яхшиликлар илинади, гина-аразлар унутилади. Бу ойни катталар билан бир қаторда болажонлар ҳам интиқ бўлиб кутишади. Чунки уларнинг севимли “ё, Рамазон” қўшиғини айтиш имкони туғилади. Аммо болаларнинг кўча-куйда, пала-партиш, сўзлари ўзгарган ҳолда бу қўшиқни куйлаб юриши қанчалик тўғри? Ахир, машиналар орасида юриш хавфи бор, ҳар хил вазият бўлиши мумкин. Аксинча, уйма-уй юриб, кишиларга Рамазон ойининг асл одатларини эслатиш, ёши улуғ инсонлардан дуо олиш яхши эмасми?

Эсимда, болалигимда биз ҳам Рамазон ойини интиқлик билан кутардик. Бобо-бувиларимиз, ота-онамиз саҳарлик қилиш учун турганда, уларга қўшилиб уйғониб олганларимиз, ифторликда дастурхонга тортиладиган ширинликларни иштаҳа билан ейишни кутганларимизни эсласам, ҳозир ҳам кўнглим ажиб ҳисларга тўлиб кетади. Айниқса, муборак ойнинг бошидаги уч кун биз болалар учун энг ажойиб дамлар эди. Қўни-қўшнини боласи билан биргаликда бутун маҳаллани айланиб. “ё, Рамазон” айтишларимиз, одамлар берган ширинлигу ва майда пулларни талашиб-тортишиб бўлиб олганларимиз...

Бугун бу қўшиқ аввалгидек қизиқиш ва иштиёқ билан куйланмаётгандек туюлади менга. Кишилар ҳам уйларига “ё, Рамазон” айтиб келган болаларни хушламасдан кутиб олиши ёки умуман эшигини ҳам очмаслиги фикримизнинг исботидир. Ҳаттоки, баъзилар фарзандларига бу қўшиқни куйлашни таъқиқлаганини ҳам эшитяпмиз. Билишимча, фарзанди уйма-уй юриб пул йиғиши уят экан. Аслида, бу анъанани давом эттириш истагида бўлганларга асло қаршилик қилиш керак эмас. Айнан улар туфайли бу қўшиқ неча юз йиллардан буён халқ орасида яшаб келмоқда.

Аслида ҳам, халқ оғзаки ижоди туркумига кирувчи бу қўшиқ қандай пайдо бўлган? Рамазон ойи қадимий манбаларда қандай тасвирлангани билан қизиқдик.

Манбаларда рўза кунлари ана шундай қўшиқларни куйловчилар рамазончилар деб юритилган. Рамазон ойида ижро этиладиган халқ қўшиқлари ҳақидаги илк қайдлардан бири Н. П. Остроумов қаламига мансубдир. У ўзининг 1898 йилда чоп этилган бир кичик рисоласида Тошкент ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида рўза бошланиши биланоқ болалар қўшнилари, таниш-билишлар ҳамда қариндош-уруғларининг ҳовлисига кириб, Рамазон ойи шарафига қўшиқлар айтишини, бу одат ўша даврда дарвешлар орасида ҳам машҳур бўлганини қайд қилган. Халқимизнинг удумига кўра, “ё, Рамазон” айтувчиларга қанд-қурс, пул, белбоғ, қўй-қўзи, турли пишириқлар, хуллас, кўнгилдан чиқариб бирор нарса ҳадя этилган. Ана шу совға-саломларга қараб хонадон соҳибларининг ҳиммати, олийжаноблиги, сахийлиги ёки бахиллиги маълум бўлган. Аслида уй эгаларидан ҳадя олиш рамазончиларнинг асосий мақсади у-бу нимага эга бўлиш эмас, улар ота-боболарнинг удумига риоя қилиб савоб олиш, асрий анъаналаримизга умрбоқийлик бахш этиш ниятида “ё, Рамазон” айтадилар.

Қолаверса, луғатларда келтирилган маълумотларга қараганда, Рамазон “рамз” сўзидан олинган бўлиб, “қизимоқ”, “қизиб чўғ бўлмоқ”, “куйдирмоқ” маъноларини англатади. Бу сўз ҳижрий тақвимининг 9-ойи бўлмиш Рамазон ойи илк бор шиддатли, жазирама иссиқ, куйдирадиган ҳароратли кунларга тўғри келгани учун ҳам “Рамазон” деб аталгани маълум бўлади. Халқ қарашларига кўра, Рамазон ойида жазирама иссиқда қолган қўйлар куйиб, қорайиб, ўлиб қолар экан. Шунинг учун мазкур ойда рўза тутган одамнинг гуноҳи куйиб, йўқ бўлади, айбу нуқсонлари Рамазоннинг савоблари жилоланиб турган муборак қуёшида ўлиб кетади, деган тушунчалар мавжуд бўлган.

Ҳар не бўлганда ҳам, ҳар қандай шаклда айтилса ҳам, Рамазон қўшиқлари инсонларни бир-бирига яқинлаштиришга, меҳр-оқибатли бўлишга, мурувватли ҳамда бирдамликка чақиришга хизмат қилишда давом этаверсин. Моҳи Рамазон ҳар бир хонадонга тинчлик-омонлик, тўкин-сочинлик ва меҳр-оқибат улашаверсин.

# ЗАМОНАВИЙ АСАРДА ЗАМОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

**Муҳиддин ОМАД,**
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

**Наманган шаҳридаги Нодирабегим номли вилоят ахборот-кутубхона марказида “Китоб – маънавият сарчашмаси” деб номланган тадбирда ёзувчилар уюшмаси аъзоси Исоқжон Нишоновнинг замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти акс эттирилган “Довон” асари тақдимоти бўлиб ўтди.**

Катта маҳорат билан битилган мазкур асарда ёзувчи мамлакатимиз инфратузилмасининг бош бўғини бўлган йўллар қурилиши, айниқса, йўлсозларимиз томонидан водийни Тошкент билан боғловчи Қамчиқ довонида ўтган асрнинг 50-йилларидан бугунги кунга қадар амалга оширилган ишлар, туннель қурилишидаги мураккаб жараёнлар ҳамда ишчи-хизматчиларнинг, давлат раҳбарларининг жасорати ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Маълумки, айни пайтда довон йўли инфратузилмаси кундан-кунга яхшиланиб, туризм йўналишида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Бу муҳим соҳани янада такомиллаштириш ҳамда довон қурилишида фидокорона меҳнат қилган кишилар номини абадийлаштириш учун музей ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, бир пайтлар водийлик ва тошкентлик йўлсозлар шарафига барпо этилган икки шер ҳайкалини қайта тиклаш, қаҳрамон қурувчилар жасоратини ифода этувчи монумент қуриш масаласида ҳам мутасаддилардан муносабат кутиб қоламиз.


# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намеревается направить часть вырученных средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на выполнение проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по следующим объектам:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Расчетная стоимость услуг |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-CS-69 | Реконсрукция водоснабжения кишлаков Жалоир, Урта, Кутчи и Болгали в СГМ “Чорвадор” Зааминского района Джизакской области. | 76 700 000 сум без НДС |

**ГУП “Служба единого заказчика” при Джизакском областном хокимияте** (далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые (однопакетные) предложения по выполнению проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по вышеназванным объектам.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию и тендерную документацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Джизакской области до 14 апреля 2023 г.

**Предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по следующему адресу:** Джизакская обл., г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж) не позднее 16.00 14 апреля 2023 г.

**Подача предложений:**

а) заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;

б) крайний срок подачи заявок – 14.04.2023 года, 16.00;

с) **адрес для подачи заявок:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве, Джизакская обл., г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).

**Тел.:** 72-771-64-32.
**Факс:** 72-771-64-31.
**E-mail:** jiztender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** Шухрат Уралов.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени.

Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.


# Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

*Апрель ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган*

Жиззах вилояти, Зафаробод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Акбаржон Маликов,** ҳайдовчи **Баҳодир Жаниқулов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сирдарё вилояти филиали ахборот технологиялари бўйича мутахассиси **Асрор Элибоев,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси АКТ бўйича мутахассиси **Алишер Кушназаров,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбар котиби **Шоҳруҳбек Маримбаев,** Урганч шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи-туман бош архитектори **Жасурбек Йўлдашев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.


**Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!**

# “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ

**очиқ танлов савдоларига таклиф этади!**

**“Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2023 йил 30 мартдаги 40-сонли такрорий буюртманомасига асосан, қурилиши режалаштирилаётган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

1. ” Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаси сони** – 1 та, **савдо шохобчасининг майдони** – 350 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси** – 1 414 000 000 сўм.

2. ” Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаси сони** – 1 та, **савдо шохобчасининг майдони** – 255 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси** – 1 030 200 000 сўм.

3. ” Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 2 та, **савдо шохобчаларининг майдони** – 175 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 707 000 000 сўм.

4. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаси сони** – 1 та, **савдо шохобчасининг майдони** – 140 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси** – 565 600 000 сўм.

5. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаси сони** – 1 та, **савдо шохобчасининг майдони** – 150 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси** – 606 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 12 апрель куни соат 16.00 гача.

**Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 14 апрель куни соат 11.00** дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 25 апрель, 4, 15, 24 май, 2, 12, 21 июнь, 3, 13, 24 июль, 3, 14, 24 август, 4, 13, 25 сентябрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 5053 3172 3021 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 33-уй.

**Телефон:** 71-237-23-91.



# “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

Аукцион савдога Нукус тумани қишлоқ хўжалиги бўлимининг 2023 йил 30 март куни 93-01-сонли алоқа хатига асосан, Нукус тумани, Дарсан кўчаси, 32-уйда сақланаётган, 2012 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 312 ZAA бўлган, қониқарсиз, авария ҳолатдаги таъмирталаб “УАЗ-31512” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 4 800 000 сўм.

**Аукцион савдо 2023 йил 29 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй манзилида жойлашган “Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деп топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.
**Расмий сайтимиз:** www.rmm.uz



IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-337.
1770 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни –
Топширилди – 23.50. 1 2 3 4 5 6

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№25 (678) 2023 йил 31 март

# “Юксак мукофот зиммамдаги масъулиятни янада оширди”

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Ҳеч эътибор берганмисиз? Одамлар ҳали ширин уйқуда ётган пайти айрим соҳа ходимлари (уларнинг аксарияти хотин-қизлар) аллақачон иш кунини бошлаб, кўчалар, маҳаллалар, боғ ва хиёбонлар, йўлларга орасталик бағишлаши баробарида, сизу биз ташлаб кетган чиқиндиларни ҳам тозалашга мажбур бўлишади. Уларга на байрамда ҳаловат бор, на дам олиш кунлари. Қачон қараманг, чегарада турган посбон каби ўзига биркитилган ҳудудни тозалаш билан банд.**




Уларнинг фидойи ва беминнат меҳнатларига қараб, “Яхшиям, жамиятимизда мана шундай кишилар бор экан”, дейсан киши. Бу фидойи инсонлар – ободонлаштириш бошқармаларининг ишчи-ходимларидир. Улардан бири, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги Ободонлаштириш бошқармасининг фаррошлар бригадаси бошлиғи Маҳбубахон Нормурадовадир.

Маҳбубахоннинг ёшликдаги орзу-истаклари бир талай эди. “Мактабни битирсам, албатта, ҳарбий бўламан”, деб ният қилганди. Бироқ онаси жуда эрта оламдан ўтгач, рўзғор ишлари гарданига қолиб, мақсади амалга ошмай қолганди. Қаҳрамонимиз “Энди нима қилсам экан, қайси ишни этагидан тутсам бўларкан?” деб юрган кезлари маҳалладоши Анортош Бекматова унга қанот бўлди. Самарқанд шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлашишига кўмаклашиб, ўзи бажарадиган барча ишларни ўргатди, шу билан Маҳбубахон Анортош опанинг этагидан маҳкам тутиб, ўзига устоз, деб билди.

Вақт олий ҳакам экан. Ишга жиддий киришган Маҳбубахон оғзига кучи етмаган айрим тенгдошларининг “Кўча супуриш, фаррошлик ҳам касб бўлдими?” қабилидаги гап-сўзларига эътибор бермай, ўз вазифасини пухта бажаришда давом этди. Ўз ишини рисоладагидек бажариш баробарида бошқармага қарашли техникаларни бошқариш, зарурат туғилганда уларни таъмирлашни ҳам мукаммал ўрганди. Бугун у тажрибали ишчилар қаторидан ўрин олиб, ўнлаб ёшларнинг устози саналади. Самарқанд шаҳридаги энг асосий ва ҳамиша сайёҳлар гавжум бўладиган Суғдиёна массиви ҳамда “Буюк ипак йўли” ҳудудининг тозалиги ва ободлигини таъминлаш мана шу фидойи аёл бошчилик қилаётган бригаданинг зиммасига юклатилган.

Халқимизда, “Меҳнат қилган, элда азиз!” деган гап бежизга айтилмаган. Маҳбубахон Нормурадованинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари ҳам ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 6 мартдаги “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига биноан, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

– Тўғрисини айтсам, оддий ишчи сифатида бундай юксак мукофотга лойиқ кўрилишимни хаёлимга ҳам келтирмагандим, – деди қаҳрамонимиз. – Айниқса, давлатимиз раҳбарининг қўлидан мукофотни оларканман, ҳаяжоним чексиз эди. Ўша лаҳзаларда жамиятимизда инсон қадр-қиммати, хотин-қизларга яратилаётган шароитларни дилдан ҳис қилдим. Юксак мукофот зиммамдаги масъулиятни янада оширди.

Албатта, ободлик кўнгилдан бошланади дейишгани бор гап. Нафақат юртимиз, балки кўнгилларнинг ободлигига ҳам ҳисса қўшаётган меҳнаткаш ва фидойи опа-сингилларимиз ҳамиша қадр топаверсин.

# Умрининг 27 йилини газ соҳасига бағишлаган инсон



**Азиз МАШРАБОВ,** журналист.

**Ҳозирги кунда юртдошларимизнинг табиий ва суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондириш мақсадида тизимда қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Натижада соҳага бўлган қарашлар, соҳа ходимларига муносабат ҳам ўзгаряпти. Айниқса, республикамизнинг чекка ҳудудлари аҳолисининг эътибордан четда эмаслиги тизимда олиб борилаётган залворли меҳнатнинг бесамар кетмаётганлигидан далолатдир.**

Бу борадаги ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятининг сўлим Бойсун туманида бўлдик. Ушбу туман ўзига хос табиати ва гўзал манзарасига эга. Тумандаги Дуғоба, Деҳбола, Ўрмонча ва Хўжайидод қишлоқлари Термиз шаҳридан 230 чақирим узоқда жойлашган. Бу қишлоқларда 6 минг 167 нафар аҳоли истиқомат қилади. Осмонўпар тоғлар бағридаги бу қишлоқлар аҳолиси ҳам эндиликда суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланмоқда. Бу манзилларга тор ва юқорига қараб кетган жарликлардан иборат йўллар орқали борилади. Ҳар қанча



қийин бўлса-да, “Boysuntumangaz” газ таъминоти бўлими ходимлари истеъмолчилар учун суюлтирилган газ баллонларини ўз вақтида етказиб беришмоқда.

Инсон умри унинг қанча яшагани билан эмас, қилган хайрли ишлари билан ўлчанади. Халқ орасида, оилада, қолаверса, меҳнат жамоасида ҳурмат, меҳр-эътибор қозониш ҳам ана шундай саъй-ҳаракатларга боғлиқ. Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг самимийлиги, дилгирлиги қалбимизга қувонч бағишлайди. Меҳнаткашлигидан, иш тажрибасидан ўрнак олгимиз келади. “Boysuntumangaz” газ таъминоти бўлими чилангари Илҳом Нормаматов ҳам яқинлари ва ҳамкасблари орасида алоҳида ҳурматга эга инсонлардан.

Илҳом ака туман марказидан 80-90 километр узоқликда жойлашган Дуғоба, Деҳбола, Ўрмонча ва Хўжайидод қишлоқларига тонгги соат 5.00 дан йўлга отланади. Гарчи, қиш қаҳратонида бу жойларга бориш жуда қийин бўлсада, истеъмолчиларни газ жиҳозлари ва газ баллонлардан хавфсиз фойдаланиши унинг учун муҳимроқ.

– Тоғ йўлларининг ўзига яраша қийинчилиги бор, – деди Илҳом Нормаматов биз билан суҳбатда. – Баъзида пастлик бўлса, баъзи жойлари юқорига қараб кетган. Бу йўллардан велосипедда юриш анча қийин. Лекин аҳолининг газ жиҳозларини созлаб, кайфиятини кўтарсам, мамнунлигини ҳис қилсам, тўғриси, йўлдаги қийинчиликларнинг барчаси унутилади. Вилоятда энди газлаштириш жараёни бошланган пайти баъзилар бундай имкониятдан хурсанд бўлса, бошқалари “Портлайдиган нарса эмасми?”, деб хавотирга тушганди. Биз уларга табиий газнинг афзаллигини тушунтирардик. Халққа қайсидир маънода ёрдам бераётганимиз, уларнинг оғирини енгил қилаётганимиздан ғурурланардик.

“Етти ўлчаб бир кес”. Қаҳрамонимиз бу нақлга амал қилган ҳолда, ҳар ишда мукаммалликка, масалага жиддий ёндашган ҳолда хато қилмасликка ҳаракат қилади. Бу хислати эса ҳамкасбларининг унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Илҳом Нормаматов 1996 йилдан бери “Boysuntumangaz” газ таъминоти бўлимида турли лавозимларда меҳнат қилиб келади. Қарийб 15 йилдан буён олис қишлоқларга бориб чилангарлик вазифасини бажармоқда. Юқоридаги қишлоқларга сафари чоғида баъзан ҳафталаб ўша ерда қолиб кетади. Чунки ушбу ҳудуддаги уйлар бир-биридан анча узоқликда, тепаликда жойлашган. Қишлоқ аҳли ҳам Илҳом акага қариндошдек бўлиб кетган.

У сарфланган газ ҳажмини ҳисобга олиш бўлимида мутахассис бўлиб ишлаган кезлари ҳозиргидай замонавий ахборот коммунакацион технологиялар мавжуд бўлмаган. Истеъмолчиларга етказиб берилган табиий газ ҳажмининг ҳисоб-китоби қўлда юритилган. Фидойи ходим газ хўжалигидан фойдаланиш бўлимида уста бўлиб ишлаган даврларда газ қувурлари, газ маромлаш пунктларидан фойдаланишни назорат қилиш билан шуғулланди. Қайси вазифада ишлмасин, касбига шунчаки ёндашмади, зиммасидаги масъулиятни чин дилдан адо этди. Бугун у кишининг йигирма нафардан ортиқ шогирди бор. Уларнинг ўн нафари билан ҳозирда елкадош бўлиб, газ таъминоти соҳасида чилангарлик қилишмоқда.

Жамиятнинг қатор соҳалари каби газ таъминоти тизимининг аҳоли ва коммунал соҳа объектларининг газ жиҳозларига хизмат кўрсатиш йўналишига ҳам рақамли иқтисодиётнинг кириб келиши иш унумдорлигини оширмоқда. Хусусан, “ҲГТ Сервис” томонидан дастурий таъминот – газ ускуналарининг ҳолати тўғрисида батафсил маълумотларни масофадан йиғиш ҳамда ҳар бир абонент бўйича табиий ва суюлтирилган газдан оқилона фойдаланишни назорат қилиш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу дастур газ ускуналарини кундалик ҳаётда ишлатишда истеъмолчилар хавфсизлигини таъминлашга, газ таъминоти тизими ходимлари томонидан газ жиҳозларига техник ва профилактик хизмат кўрсатиш бўйича мажбурий хизматлар сифатини баҳолаш ва ўзаро ҳисоб-китобларни нақд пулсиз амалга оширишга қаратилган. Бундан кўзланган мақсад, биринчи навбатда тизимда шаффофликни таъминлашдир.

Умрининг 27 йилини шу соҳага бағишлаган қаҳрамонимиз ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

**БСКлар фаолиятидан**

# Халқ қалбига туташ йўл

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** журналист.

**Бугун юртимизда уй-жойлар қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Бу эса уларга сифатли хизмат кўрсатиш тизимини ҳам ривожлантиришни, соҳада ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, бугунги кунда юртимизда қизғин фаолият юритиб келаётган бошқарув сервис компаниялари бу борада анча қўл келяпти. Бу орқали аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш тизими кундан-кун ривожланиб, соҳада ўзига хос тажриба яратилмоқда. Ана шундай малакали мутахассислар тажрибасини оммалаштириш, уларнинг ташаббусларини ўртоқлашиш бугун долзарб вазифага айланди. Мақоламиз қаҳрамони, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “Мумтоз” профессионал бошқарув сервис компанияси раҳбари Гулнора Атаджонова ана шундай илғор ташаббусларни олға суриб келмоқда.**



## ТАЪЛИМДАН КОММУНАЛ СОҲАГАЧА

– 1967 йил Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида туғилганман, – деди Гулнора опа. – Асл касбим ўқитувчилик, коммунал соҳага кириб келишдан аввал таълим соҳасида фаолият юритганман. 2010 йилдан коммунал соҳага кириб келган бўлсам, унгача ўқитувчилар малакасини ошириш институтида маркетинг ва мониторинг бўлими мудири, маънавият ва маърифат бўлими мудири, ХДП партияси кенгаши раиси сифатида ишладим. Тақдир тақозоси билан йўлим коммунал соҳа билан кесишди.

Соҳага кириб келишим ҳам қизиқ бўлган. Тошкентга келганимда коммунал тўловларни тўлаш мобайнида бу жараёнга қизиқишим ортди. Ўғлим иккинчи гуруҳ ногирони. Ўшанда ҳаётимизни яхшилаш ҳақида кўп ўйладим. Агар халқни ҳурматини қозонсам, ўғлим иккимиз учун ҳам яхши бўлишини тушундим. Дастлаб коммунал соҳа уставларини ўрганиб, ўзим яшаган уйда фаолиятимни бошладим. Илк иш бошлаган пайтим атиги 6 та кўп қаватли уй бор эди. Бошқарув сервис компаниямиз 2014 йилда ташкил топган. 2018 йилдаги Президент қарори билан бошқарув компанияларига тадбиркорлик мақоми берилди. 2019 йилда ҳозирги офисимизни қуриб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Президентимизнинг соҳага қаратилган алоҳида эътибори бизни руҳлантирди. Туманимизга ташрифи вақтида у киши ҳар биримиз билан алоҳида гаплашиб, таклифларимиз билан қизиқди. Шундан сўнг, бу соҳа меники эканини тушундим.

## УЙИНГИЗ ТОМИДАН СУВ ОҚИБ ТУРСА, ДАВЛАТДАН РОЗИ БЎЛАСИЗМИ?

– Яшаб турган уйингизни томидан чакки ўтиб турса, албатта, кайфиятингизга, ҳаётингизга салбий таъсир қилади, – деди куюнчаклик билан Гулнора опа. – Табиийки, тизимга нисбатан эътироз пайдо бўлади. Тушундимки, коммунал соҳа халқни давлат билан боғлайдиган бир кўприк мисоли.

Ҳозирда бу йўлда Президентимизга камарбаста бўлишга, билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиляпмиз. Айниқса, бу йил 8 март тадбирида оддий кўча тозаловчи аёл медаль билан тақдирланганини кўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Бунақа эътибордан кейин янада ғайрат билан ишлагинг, юрт равнақига ҳисса қўшгинг келади. Шу боис, кунни кун, тунни тун демасдан, қишнинг қаҳратони-ю ёзнинг жазирамасида ҳам жамоамизнинг меҳнаткаш аъзолари билан аҳолига хизмат кўрсатишдан асло, чарчамаймиз, тўхтамаймиз...

## ТИЗИМ ТЎЛИҚ ЯНГИЛАНМОҚДА

Хабарингиз бор, бу йилги қиш жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Аномал совуқ пайтида айнан коммуникация тармоқларида кўплаб кутилмаган носозликлар кузатилди. Бу борадаги аниқ ечимлар билан қизиққанимизда, Гулнора Атаджонова қуйидагиларни билдирди:

– Бугунги кунда давлатимиз томонидан коммунал соҳани ривожлантиришга катта маблағ ажратиляпти. Эскирган тизимлар қайтадан тўлиқ янгиланиши белгиланди. Бу борадаги ишлар барча ҳудудларда жадаллик билан давом этмоқда. Хусусан, биз ҳам БСКга қарашли 30 та кўп қаватли уйнинг иситиш тизимини бутунлай янгилаб чиқяпмиз. Компания тасарруфида 90 та кўп қаватли уй бўлса, 30 фоизи талабга жавоб бермаслиги маълум бўлди. Айни пайтда шу каби муаммоларни бартараф қилиш устида ишлаяпмиз. Бу ҳам катта қадам.

Компанияда 54 нафар ишчи-ходим фаолият юритади. 3 та енгил автомашина ва бошқа зарур ускуналар ишчи-ходимларнинг юмушини осонлаштирмоқда. Ҳозирда “Мумтоз” ПБСК “Ҳуснобод”, “Туркистон”, “Жомъе”, “Буюк Турон”, яқинда қўшилган “Шайх Шиблий” МФЙ аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Мақсадимиз – аҳолини барча эҳтиёжи учун керак бўладиган сифатли хизмат турлари билан таъминлаш, уларни коммунал соҳадаги муаммоларини ўз вақтида бартараф қилиб, яшаш учун қулай шароит яратишдир, – Г. Атаджонова.

## “ХАЛҚ БИЛАН БЎЛ, ХАЛҚ ИЧИДА БЎЛ”

– Биласизми, бу соҳа коммуникатив ва дипломат бўлишни талаб қилади, – дея суҳбатни давом эттирди қаҳрамонимиз. – Аҳоли билан келишиб ишлаш, уларда умумий мулкка дахлдорлик ҳиссини ошириш осон эмас. Қолаверса, тез қарор қабул қилиш, сифатли сервисни таъминлай олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Яқинда Германияда соҳа бўйича малака ошириб қайтдик. Улардаги қонунга ҳурмат, жамоат мулкини асраш кўникмасига қойил қолдим. Одатда ғарбда мусулмон ахлоқи юксак қадрланади. Демак, биз ҳам шу қадрга муносиб бўлишимиз учун ҳаракат қилишимиз лозим. Бугун юртимизда бошқарув сервис компанияларини ташкил қилиш ва фаолият юритиши учун катта имкониятлар яратилган. Агар кимдир бу соҳага қизиқса, марҳамат, аҳолига ўз ишини кўрсатиб берсин, уларнинг ишончини қозонсин. Тақдимоти халққа маъқул келса, ишни бошласин. “Халқ билан бўл, халқ ичида бўл”, деган шиор айнан коммунал соҳа вакилларига тегишли десам, муболаға бўлмайди. Бу соҳани танлаганимдан, одамларга хизмат кўрсатишдек савобли ишни бажараётганимдан хурсандман.

Аслида ҳар бир инсон кўринмас китоб, янги ҳикоя. Мақсадимиз эса, Гулнора опа каби фидойи инсонлар меҳнати ва шижоатидан сизларни бохабар қилиш. Зеро, юртимизда ўз ҳикоясига эга бундай шарафли касб эгалари жуда кўп. Демак, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган қаҳрамонлар билан таништиришда яна давом этамиз.